

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга 21 ноябрь куни расмий ташриф билан Парижга келди.



«Париж-Орли» аэропортида давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, faxрий қоровул саф тортиди.

Мамлакатимиз етакчисини Франция маданият вазири Рима Абдул-Малак ва бошқа расмий шахслар кутиб олди. Шу куни Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Франция тараққиёт агентлиги (ФАР) бош директори Реми Риуни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги истиқболли лойиҳалар билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги пайтда ўзаро алоқаларда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 1 миллиард еврога етди. Агентлик иштирокида бугун инфратузилма, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

ФАР раҳбари бугунги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг самарали натижаларини қайд этиб, ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва салоҳиятини юксак баҳолади.

Сўхбатда давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш ва инфратузилма соҳаларида жорий қилиш, энергетика ва транспортда «яшил иқтисодиёт» лойиҳаларини кенгайтириш, агросаноат мажмуини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларни ўқитиш ва уларнинг тадбиркорлигини молиялаштириш лойиҳаларини илгари суриш каби устувор йўналишлар-

да амалий шерикликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Лойиҳаларни аралаш тарзда, шу жумладан, Франция компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида молиялаштириш механизмларидан фойдаланиш муҳим экани таъкидланди.

Томонлар эришилган барча келишувларни рўйбга чиқариш юзасидан «Йўл харитаси»ни тайёрлашга келишиб олдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, «яшил иқтисодиёт», шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти, банк-молия ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган умумий қиймати 1 миллиард евродан ортиқ бўлган 2025 йилгача стратегик ҳамкорлик дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда «MEDEF» Франция корхоналари ҳаракати бош директори Филипп Готье, «Airbus», «Orano», «Suez», «Alstom», «Total Eren», «EDF», «Schneider Electric», «Natixis» каби 20 тага яқин йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз учрашув иштирокчиларини қутлаб, расмий ташрифнинг биринчи кундаги тадбирлар ишбилармонлик масалаларига бағишланганига эътибор қаратди.

— Бу Ўзбекистон муҳим ва ишончли ҳамкоримиз — Франция билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши қатъийлигидан яна бир бор далолат беради, — деди давлатимиз раҳбари. Бугун Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилгани таъкидланди. Валюта бозори эркинлаштирилди, фойдани репатриация қилишга барча чекловлар бекор қилинди, банклар, йирик саноат ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди, давлат-хусусий шериклик механизмлари фаол жорий қилинмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилмоқда.

— Ҳар бир инвестор Ўзбекис-

тон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончни таъсир қилишига интиляимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жаҳондаги бугунги беқарорлик шароитида манфаатларни ҳисобга олиш ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали ва конструктив шерикликни чуқурлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Шу маънода, Франция бизнесининг Ўзбекистон бозорига чиқиши учун катта истиқболлар очилмоқда. Мамлакатимизнинг жозибадорлиги Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича энг йирик давлатлиги, маҳсулотларимиз МДХнинг улкан бозорига божсиз етказиб берилаётгани билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон франциялик тадбиркорларни ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш, имтиёзлар ва кафолатланган харидлар кўринишида қўллаб-қувватлаш ва бошқа қўмақ чораларини тақдим этишга тайёр экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, «яшил энергетика», озик-овқат саноати, кимё ва автомобилсозлик, электротехника ва электроника тармоқлари, соғлиқни сақлаш соҳасини узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун энг истиқболли йўналишлар сифатида қайд этди.

Шерикликни кенгайтириш режалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Франция ишбилармон доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда қайси аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини баён қилди.

Франция бизнес делегациясининг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлашиб, давлатимиз раҳбари тадбиркорларни мамлакатимизга келиш ва Ўзбекистон инвестиция қиритиш учун энг қулай жой эканига ишонч ҳосил қилишни тақлиф қилди.

Учрашув якунида Ўзбекистоннинг масъул раҳбарларига тадбирда билдирилган барча ташаббусларни ўз ичига олган ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари, аниқ муддатлари ва ижрочилари кўрсатилган Амалий чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевни Қозоғистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови муваффақиятли ўтгани ва унда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашув-

ларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, саноат, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги каби устувор йўналишларда ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛИШЛАРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов бир-бирига мактуб йўлладилар. Уларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги даражаси ҳамда Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити якунлари юксак баҳоланган.

2-саҳифага қаранг. ➡

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КЎП АСРЛИК ДЎСТЛИК ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛИШЛАРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Энг аввало, Самарқанддаги Туркий давлатлар ташкилоти самити давомида Туркманистон делегациясига кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ва алоҳида эътиборингиз учун чукур миннат-дорлик билдираман.

Саммит доирасида Сиз билан боғат мазмундор, самимий ва ишонч руҳида ўтган учрашувимиз туркман ва ўзбек халқлари ўртасидаги кўп асрлик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталарини яна бир бор тасдиқлади. Биз ўшбу қадриятларни нафақат сақлаб қолдик, балки бугунги кунгача етказиб, давлатлараро муносабатларнинг пойдеворига айлантирдик.

Туркийлар ва умуман, жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлган айнан Самарқандда қардош халқларимизнинг муштараклиги тасдиқлангани, дўстлик ва барча йўналишлардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга суръат бағишлангани, глобал тараққиётнинг бугунги жуда мураккаб шaroитларида туркий давлатларнинг бирлиги, жипслиги, ҳамкорлигининг сиёсий ва мафкуравий асослари мустаҳкамлангани чукур раамзий маънога эга.

Сиз саммитда ўзгача меҳмондўстлик, ўзарo ишонч ва очиқ-лик муҳитини яратганингизни алоҳида таъкидламоқчиман. Тадбирнинг муваффақиятли ўтгани, айтилган мақсадларга эришилгани кўп жиҳатдан шу туйғайлидир.

Иштирокчи давлатлар туркий дунё қоялари, ўзига хос тарихий йўлига, аънъана ва урф-одатларнинг бардавомлигига, аждодларимиз мероси ва умумий илдизларинизга қатъий содиқлигини тасдиқлагани Самарқанд учрашувиминг энг муҳим натиҳаси бўлди.

Бу тушунчалар давлатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни тўлиқ ифода этади. Сизнинг Туркманистонга, унинг халқига бўлган ҳурматингиз, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёрлигингиз туйғайли мамлакатимизда Сизга юксак эҳтиром билан қарайдилар.

Туркман ва Ўзбеклар шунчаки кўшни эмас. Биз тили, маданияти, дини билан боғланган, ўтмиш, бугун ва келажакдаги ягона тақдирини ҳис этаётган қардошлармиз. Бу ҳақда сўз юритганда, унча қадим нақлни келтирмоқчиман:

— қўшни келди — кўмак келди;

— меҳмон отангдан улуг; — қиёмат куни — қўшиндан.

Ўзбек биродарларимизга нисбатан ҳис-туйғуларимизнинг асл моҳияти, биргаликда барпо этиш, ривожланиш, ўзарo ҳамкорлик қилишга доир тасаввурларимиз айнан шу мақолларда мурҳассам.

Яқинда Туркманистонга амалга оширган расмий ташрифингиз чоғида Сиз билан ўтган учрашувимизда, Самарқанддаги саммит доирасидаги маросимда кўларингиздан “Туркий дунёнинг олий ордени”ни олаётганимда шу ҳақда кўп ўйладим. Биламан, Сиз, қардошим кўлаб-қувватлагани учун ўшбу юксак мукофотга сазовор бўлдим. Бунинг учун чукур миннатдорлигимни қабул қилинг.

Хўрматли Шавкат Миромонович,

Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида қўлаётган барча саяй-ҳаракатларингиз учун ташақкур. Сизнинг Ўзбекистонга раҳбарлигингиз давомида сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлигимиз сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Бир қатор йирик кўшма инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди, ташқи сиёсий соҳада, минтақавий ва глобал қарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш бўйича ҳамкорлик механизмлари амалда ишлай бошлади. Ўзбекистон Туркманистоннинг бераарафлиги ва халқарo ташаббусларини қўлаб-қувватлаётганини кўриб турибмиз ва юксак қадрлаймиз. Мен буни Сиз билан, Сизнинг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътиборингиз ва иштирокингиз, икки халқ ва давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликка содақатингиз билан боғлайман.

Яна бир бор Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг муваффақиятли ўтказилгани билан табриқлашга ҳамда Туркманистон доим Ўзбекистон ёнида туришини, муносабатларимиз замиридаги бунёдкорлик мақсадларига қатъий амал қилишини ишонтириб айтишга ижозат бергайсиз.

Сизга, хўрматли Шавкат Миромонович, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва фаровонлик. Ўзбекистон етакчилигида, кўп қирали давлат ва сиёсий фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилайман.

Чукур ҳурмат ва катта эҳтиром билан,

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,
Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси

маган ва манфаатли муносабатларга асосланган мақбул ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Ва барқарор Марказий Осиё иқтисодий жиҳатдан юксалаётган муҳим марказлардан бирига айланмоқда.

Айрим экспертларнинг фикрига кўра, сўнгги тўрт йилда минтақа мамлакатлари ялли ички маҳсулотни ҳажми 25 фоизга ўсиб, бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 300 миллиард долларга ошди. Ўзбекистон билан минтақа давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўн баробар ўсиб, 6,5 миллиард долларга етди. Икки томонлама кооперация алоқалари мустаҳкамланиб, йирик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида кўшма инвестиция компаниялари ва бошқа молиявий воситалар яратилмоқда. Ўз навбатида, ўзбекистонлик ишбилармонлар кўшни давлатларга фаол сармоя кирита бошлади, бу эса иқтисодиётнинг ривожланиши ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари олк мараотаба энергетика соҳасида кўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришди. Норин ва Зарафшон дарёларида қурилаётган йирик ГЭСлар фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Бундай ўзгаришларнинг натижасида минтақалараро муаммолар бўйича мамлакатларнинг келишилган позицияларини изчил ривожлантириш, халқаро ва минтақавий платформаларда яқин мувофиқлаштириш имкони пайдо бўлди. Марказий Осиё давлатларининг БМТ, МДҲ, ШХТ, ИХТ, ОАҲ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа тузилмалар доирасида ягона позицияси янграй бошлади.

Умуман, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати минтақанинг бошқа муҳим шерик давлатлари ва минтақалари билан ўзарo алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2021 йил июль ойида Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзарo боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониетлар” мавзuidaги юқори

www.xs.uz

f/xalqsuzi.uz

@xs_uz

Туркманистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси
Гурбангули Бердимухамедов
Жаноби Олийларига

Хўрматли Гурбангули Ямликгулиевич! Кадрли биродарим!

Авваламбор, яқинда юртимизга амалга оширган ташрифингиз муносабати билан йўллаган самимий мактубингиз, Ўзбекистон ва шахсан менинг шаънимга билдирган илиқ фикрларингиз ҳамда эзгу тилақларингиз учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдираман.

Жорий йилнинг 11 ноябрида Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида Сиз, Жаноби Олийларининг шахсан иштирокингиз анҳуманнинг тарихий аҳамияти ва натижадорлигини янада оширишга бекёёйс ҳисса қўшиб, туркий оилада қардош ўзбек ва туркман халқларининг дўстона алоқалари нақадар юксак эканлигини яқол намойиш этди. Мактубингизда баён қилганингиздек, қадим ва бетакрор Самарқанд шаҳри минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарбни туташтириб, туркий ва жаҳон цивилизацияларини бир-бирига яқинлаштириб, турли маданиятларни бирлаштириб келган, бой маданий-маънавий хазинаси билан дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган.

Асрлар давомида ёнма-ён тинч ва тотув яшаб келган қардош халқларимизнинг бирлиги, ҳамжихатлиги ва абадий дўстлигига, туркий давлатлар интеграцисси ва ўзарo яқин ҳамкорлигига, Ташкилотимизнинг халқарo майдондаги обрў ва нуфузини кескин оширишга бекёёйс амалий ҳисса қўшаётган Сиз, Жаноби Олийларининг “Туркий дунёнинг олий ордени” билан тақдирланиши барча аъво ва кузатувчи давлатлар аҳолиси орасида жуда катта кувонч ҳамда манминут билан қабул қилинди.

Бу олий мукофотнинг тантанали равишда тақдим этилиши Сиздек оқил ва донишманд, чинакам фидойи, тажрибали ва ватанпарвар давлат ҳамда жамоат арбобига, қимматли илмий ва ижодий фаолияти билан келажак авлодлар учун бой маънавий-маърифий мерос яратётган буюк шахсга нисбатан билдирилган чексиз эҳтиром рамзи ҳамдир.

Шубҳа йўқки, бу Туркманистонни туркий дунё ва Ташкилотимиз билан янада яқинлаштиради ҳамда унинг фаолиятида

даражадаги халқаро конференция айни шу максад йўлида хизмат қлди.

Халқарo ҳамжамиятнинг Марказий Осиёга қизиқишни сезиларли даражада ошди. АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи ва Форс кўрфазии араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши ва бошқа давлатлар иштирокидан “5+1” халқарo форматлари шундан далолат беради. Шунингдек, минтақа кўп томонлама платформаларда иштирок этишдан манфаатдор, бу орқали Марказий Осиё давлатлари бутун дунё етакчи ишбилармонлари билан тенг асосда конструктив мулоқот ўрнатишга ҳаракат қилади. Муҳими, яқинлашги жараёни ҳеч кимнинг манфаатларига қарши қаратилмаслиги ва минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштиришни назарда тутади.

Президент Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи”нинг биринчи саммитида таъкидлаганидек, “Албатта минтақада хали ҳам ўз ечимини топмаган муаммолар бор. Бироқ ишончимиз комилки, бизнинг қучли сиёсий иродамиз ва умумий бунёдкорлик руҳи минтақадаги қардош мамлакатлар ва халқларнинг янада яқинлашшишга хизмат қилади”.

Мамлакатимиз Европа Иттифқиога аъзо давлатлар билан ҳам конструктив икки томонлама мулоқот ўрнатишдан манфаатдор ва Франция унинг локомотивларидан бири ҳисобланади.

Давлатларимиз ўртасида 1992 йилнинг мартада дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлишига қарамай, ўзбек — француз муносабатлари 2016 йилнинг иккинчи ярмидан барча соҳада очилмик томон ўз тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йилнинг октябрида Эммануэль Макроннинг таклифига биноан расмий ташриф билан Францияда бўлди. Бу Ўзбекистон раҳбари ташриф буюрган Европадаги биринчи давлат бўлди. Утган йилнинг август ойида эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан икки давлат раҳбарлариннг мулоқоти бўлиб ўтган эди.

туркман халқининг кенгрок иштирокини таъминлашга муносиб хизмат қилади.

Саммит яқунлари келгусида Ташкилотимиз доирасидаги серқирра ҳамкорлик уфқларини очишга, минтақада ва халқарo миқёсда тинчликни, ўзарo ҳамжихатликни мустаҳкамлашга, Туркий цивилизациянинг янги Уйғониш даврини бошлашга замин яратгани эътиборлидир.

Мухтарам Гурбангули Ямликгулиевич!

Мактубингиз замирида Сизнинг ҳақда халқи ва маданиятига бўлган чукур ҳурматингиз, тарихий томирлари, қалби муштарак халқларимиз ўртасидаги азалий ришталарни қадрлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришдек эзгу мақсадлар мурҳассам эканидан беҳад хурсандман.

Ўзбек халқига қон-қардош бўлган туркман эли билан доимий дўстлик алоқалари сўнгги йилларда кенг қулоч ёзгани, яқин қўшничилик муносабатлари стратегик шериклиكنинг юқори даражасига кўтарилганини яна бир бор таъкидлашни истардим.

Сизнинг таъбирингиз билан айтганда, “туғишган икки халқ”нинг ўзарo ҳамфикрлиги, очик руҳдаги ва самимий мулоқоти аламлиримизга, биринчи галда ёш авлодларимизга ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўшбу эзгу ниятлар ифодаси сифатида мен яқинда хурматли Президент Сердар Бердимухамедов билан қўркам Ашхобод шаҳридаги “Тошкент” боғида даракт эканимиз ва бу ерда ўз тўйини нишонлаётган ёш оиланинг қувончига шерик бўлиб, улараго оқ фотиҳа берганимизда чукур рамзий маъно кўраман.

Туркманистон билан ўзарo манфаатли ҳамкорлигимиз мисли қўрилмаган даражага кўтарилганини манминут билан қайд этиш ўринлидир. Шу кунларда Дашоғуз шаҳрида ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали муваффақиятли ўтказилгани ҳам бу фикримнинг ёрқин исботидир.

Фурсатдан фойдаланиб, мухтарам Гурбангули Ямликгулиевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, дўст туркман халқига эса тинчлик-омонлик ва доимий раванқ тилаб қоламан.

Самимий эҳтиром билан,

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

лардан бири — Луврда “Марказий Осиё улуғворлиги. Ўзбекистон қарвон йўлларида” номли ноёб кўргазма очилди.

Мазкур кўргазма Ўзбекистоннинг қадимий тарихига оид бўломларни ўз ичига олади. Шунингдек, Араб дунёси институтида “Самарқанд сари йўли, Ўзбекистон ранглар ва кўрқи” кўргазмаси ташкил этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон экспертлари мизбек — француз ҳамкорлиги ва бутун минтақа ўртасида шериклиқни ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигига ишонч билдирмоқда.

Шу муносабат билан томонлар ўрта-сидаги муносабатларни “ашил тараққиёт”, инновациялар, энергия ва ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги ва шаҳарларни ривожлантириш каби йўналишларда кенгайтириш мақсадага мувофиқ.

Қилинган ўзарo таъсир нуқталари ҳам жуда истиқболли саналади.

— Марказий Осиё саноат маҳсулотларини Европа стандартлари ва техник регламентларига мувофиқлаштири таъминлаш; — самарали транспорт-логистика йўлакларини яратиш. Биринчи навбатда, Транскасий мултимедол йўналишини ривожлантириш орқали жорий чекловларни ҳисобга олган ҳолда ўзарo бозорларга чиқиш;

— Европа истеъмолчилари томонидан Марказий Осиё мамлакатлари товарларига бўлган талабни аниқлаш ва амалга ошириш бўйича кўшма мақсадли тадбирлар ва акцияларни ўтказиш; — таълим, илмий, туристик ва маданий алмашинувларни кенгайтириш.

Мухтасар айтганда, янги Ўзбекистон бугун бутун Марказий Осиёга ўзига хос дарвозага айланди, шунингдек, ҳамкорларга ўсиб бораётган иқтисодий ва гуманитар салоҳиятдан фойдаланган ҳолда бутун минтақа билан муваффақиятли шериклик қилиш учун ноёб имконияти тақдим этмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Франция Республикасига расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ва Франция муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболли йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, ўзарo манфаатли шериклиқни юқори босқичга кўтарадиган кенг кўламли ҳамкорлик бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқроо институти директори.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳақ ҳўқуқлари ҳимоясини янада қучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларни билдириб, уни маъқуллашди. Франция йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Экология тадбирларига 4 459,8 млрд. сўм йўналтирилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ййғилишда таъкидлаганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджетидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва оқова сув тизимини яхшилаш учун салмоқли миқдорда маблағлар ажратилган. Жумладан, бу борада экология ва атроф-муҳит муҳофазаси тадбирлари учун Давлат бюджетидан жами 4 459,8 млрд. сўм йўналтирилган.

Шунингдек, республика аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш, ўрмонлар барпо этиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси борасида бир қатор ишлар бажарилган.

Йиғилишда айнаи пайтда бу борада ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли эканлиги қайд этилди. Фракция аъзолари томонидан ҳисобот даврида партия электоратининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда вазирлик ва идоралар томонидан йўл қўйилган молиявий хато ва камчиликлар, бюджет маблағлари мақсадсиз ва нотўғри сарфланганлиги, ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмай қолиш ҳолатлари юзасидан жиддий эътирозлар билдирилди.

Депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, молиявий хато ва камчиликларнинг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор тақлифлар беришди. Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумланди.

Йиғилишда фракция фаолиятига оид бошқа муҳим масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда мамлакат раҳбарлигига сайланган даврдан бошлаб, Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсати тубдан ўзгарди. Юртбошимиз давлат ва жамият ҳаётида муҳим роль ўйнавчи соҳаларни модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислохотларни амалга оширишга киришди. Бу эса узoқ мuddатли истиқболда мамлакатнинг барқарор раванқига таъминлаши зарур.

Биз ва жаҳон

Мазкур интилишлар 2017 — 2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини тоғди. Янги Ўзбекистон жадал суръатларда ривожланаётган давлат сифатида кўп миллатли халқимизнинг эркин, тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашдек эзгу максад йўлида дадил қадам қўйди. Зотан, давлатимиз халқарo ҳамжамият билан тенг ҳўқуқли ва ўзарo манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган демократик, инсон ҳўқуқ ва эркинликларни соҳасидаги умумэътироф этилган нормаларга мувофиқ тараққий этаётир.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ййғилишидаги нуқтаида минбардан туриб, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини ўз ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилашни таъкидлаган эди. Ва бу, ҳеч мулобағсиз, тўғри танловдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, *“Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари билан чегарадош бўлган Ўзбекистон минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдор”*. Бизнинг бош мақсадимиз — умумий саяй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат”. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг саяй-

ҳаракатлари билан 70 миллион аҳолига эга минтақада Марказий Осиё тараққиётини бунёдкорлик йўлида ўзгатириш имконини берувчи мутлак янғича сиёсий муҳит яратишга эришилди. Ўшбу конструктив мулоқотнинг тикланиши Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик ва ўзарo манфаатли шериклик муносабатларининг мустаҳкамланиши йўлида амалга оширилаётган минтақавий ўзгаришлар тизими ва ўзгармас тус олди.

Президентимиз Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда кўшни Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон каби стратегик шерик давлатлар билан икки томонлама алоқаларни чуқурлаштириш бўйича саяй-ҳаракатларни бирлаштиришга қатъий қарор қабул қилди. Зеро, тарихда бу каби натижа қайд этилмаган эди.

Биз ўзарo кўшма саяй-ҳаракатларимиз орқали илгари эришилмаган ва ҳамкорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлган кўплаб масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлдик. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсати туйғайли чегаралар очилиб, фуқароларнинг ўзарo қатновлари учун қулай шaroитлар яратилди. Шунингдек, янги ҳаво, автомобиль ва темир йўл йўналишлари ишга туширилди, сувдан фойдаланиш масалалари муваффақиятли ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан 2018 йилдан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми ишга туширилди, улар доирасида минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниб, ўзарo ҳур-

МУҲОКАМА МАРКАЗИДА – ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИЖРОСИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг ййғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2022 йил тўққиз ойлик ижроси, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ажратилган субсидиялар нега ўзлаштирилмай қолган?

ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги ййғилишида таъкидланганидек, иқтисодий ўсишнинг асосий драйверлари — хизматлар ҳақида саноат соҳаси бўлиб, мос равишда 7,9 ва 5,5 фоизга ўсди. Қолаверса, шу давр мобайнида қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳам юқори натижа кузатилди — 6,3 ва 3,6 фоиз.

Ҳисобот даврида озиқ-овқат, тўқимачилик, металлургия ва автотранспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноатининг 61,9 фоизини ташкил қилди. Хусусан, 2022 йил январь — сентябрь ойларида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 3,9 фоизга кўпайиб, 41,9 трлн. сўм, тўқимачилик маҳсулотлари 7,7 фоизга ошиб, 43,0 трлн. сўм, металлургия саноати 3,9 фоизга кўпайиб, 80,9 трлн. сўмга етди.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири — хоржий инвестицияларни жалб қилиш ҳам энг муҳим масалалардан саналади. Ўшбу йўналишдаги ишлар таҳлил этилганда, мамлакатимизда 2022 йил январь — сентябрь ойлари давомида асосий капиталга жами инвестициялар 190,0 трлн. сўмни ташкил қилгани маълум бўлди.

Фракция ййғилишида ўтган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжаликлари маҳсулотлари ҳажми 248,7 трлн. сўм, қўшилган қиймат микдори 143,5 трлн. сўм бўлиб, соҳада ишлаб чиқаришнинг 241,8 трлн. сўми деҳқончилик ва чорвачиликка тўғри келганига алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

19 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлиси ўз ишони давом эттирди.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцақола тарзда ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар жорий йилнинг 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг (ПА) кузги сессияси ақунларини муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, МДХ ПА кузги сессиясининг (сайёр) Ассамблея фаолиятида биринчи марта Санкт-Петербургдаги қароргоҳидан ташқарида, яъни мамлакатимизда ўтказилиши, аввало, Ўзбекистонда олиб борилаётган очик ва прагматик ташқи сиёсатнинг, қолaversа, парламент дипломатиясининг ютуғи сифатида халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Унда қўрилган масалалар, келишувлар, парламентлараро ўзаро мулоқот тарафларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланган қўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ассамблеянинг асосий фаолият йўналиши намунавий қўнун ижодкорлиги ҳисобланиб, ҳамдўстлик мамлакатлари парламентлари аъзоларининг МДХ ПА майдонидаги ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида маъмурий ҳаётининг турли соҳаларидаги муаммоларни ҳал қилишда келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишга қаратилган.

МДХ ПА аъзо мамлакатлари томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилаётган модель қўнунларни қабул қилиш иштирокида давлатлар учун мажбурий эмас. Улар миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда қўнунчиликка имплементация қилиниши мумкин.

МДХ ПА фаолиятининг 30 йил давомида аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ долзарб масалаларни биргаликда муҳокама қилиш, қарорлар қабул қилиш учун самарали майдон вазифасини ўтади ва у қўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришнинг халқро микёсда тан олинган институти ҳисобланади.

Самарқанд шаҳрида ўтказилган кузги сессия доирасида парламентлар аъзолари томонидан сайлов, референдум ва уларни қузатиш тўғрисидаги қўлбал намунавий қўнунлар, шунингдек, хавфсизлик, фан ва таълим, интеллектуал фаолият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга оид 40 дан ортик намунавий ҳужжатлар қўриб чиқилди.

Шунингдек, сенаторлар МДХ мамлакатларининг ёш парламентлари аъзолари Ёшлар парламентлараро ассамблеяси мажлисига тўпаниши ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида қатъий қарор қабул қилишга қарар қилди.

Унда, хусусан, мамлакатимиз парламентининг иккала палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентлари аъзолари томонидан илгари сурилган ёшлар ўртасидаги ишсизликни қўнунчилик йўли билан тартибга солиш

лиш орқали ҳал этиш ҳамда ишламайди-ган ва таълимга жалб этилмаган ёшларнинг иқтисодий-иқтисодий фаолигини ошириш каби ташаббуслар иштирокида давлат томонидан бир овоздан маъқулланди.

МДХ ПА ҳузурида Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича эксперт кенгаши тўғрисида оид ташаббус қўллаб-қувватланди.

Таъкидланганидек, кескинлик ва ноаниқлик қучайиб бораётган, ўзаро мулоқот ва ишонч етишмаётган, халқро муносабатларда ноаниқлик қучаётган шароитда айнан парламент ва халқ дипломатияси давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва қўп қирралли муносабатларни йўлга қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Муҳокамалар якунида ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг ялпи мажлисда "Давлат божи тўғрисида"ги Қўнунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қўнун қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, қўнун нотариал харақатларини амалга ошириш жараёнининг тўбдан соддалаштириш, давлат божидан озод қилиш, давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлик киритиш орқали инсонларга енгиллик яратишга қаратилган.

Важф этган фуқаронинг қўнун билан шахсий ҳамжариб бориладиган пенсия таъминотида нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида ғувоҳномани беришда давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланган бўлиб, бу борада юзга келадиган муаммолар ҳал этилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, нотариал харақатларини амалга оширганлик учун ундирилмаган тўловлар микдорини фуқаролар учун тушунарли тарзда баён этилишини ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат божи ставкалари оптималлаштирилган.

Қўнунга асосан, мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгаришлар киритганлик учун белгиланган давлат божи микдорлари икки баробарга камайтирилган.

Гаров, ипотека ва лизинг шартномаларини, қарз шартномаларини ҳамда автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун табақалашган давлат божи ставкалари бирхиллаштирилиб, ягона ставка микдоридида белгиланган.

Қўнун билан автототранспорт воситаларини бошқаришга ва тасарруф қилишга оид ишончномалар, шунингдек, автототранспорт воситаларидан текин фойдаланиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун қариндошлиги бўлмаган бошқа шахслардан ундириладиган давлат божи микдори базавий ҳисоблаш микдорининг 3 баробаридан 2 баробарига камайтирилган.

Бундан ташқари, фуқаролар ўртасида қарз шартномасини тузишда ва ижро этишда эҳтимовий низоларнинг олдини олиш, судлардаги иш юкласинини камайитириш мақсадида қўнун билан чет эл валютасида ушбу турдаги шартномаларни нотариал тартибда расмийлаштиришда

давлат божи микдорини икки бараварга камайитириш назарда тутилган.

Мазкур қўнуннинг қабул қилиниши давлат божини ҳисоблаш ва ундиришдаги айрим тушунмовчиликларнинг олди олиниши, нотариуслар томонидан давлат божини бўйича имтиёзларни тўғри қўллашнинг ҳамда фуқаролар учун давлат божи тўловлари юзасидан енгилликни таъминлайди.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қўнун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш орқали уларга ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуққ-аътор нормалари ва қондаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Бугунги кунда ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларига доир ишлар туманлараро маъмурий судлар томонидан қўриб чиқилмоқда.

Хусусан, республика бўйича маъмурий судлар томонидан қўриб чиқилган шу турдаги ишлар охириги ўн йилда иилига 8-9 мингтани ташкил этади.

Хозирги кунда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсини реабилитация марказига жойлаштириш фуқароларининг ортика овозгарчиликларига сабаб бўлмоқда ҳамда ушбу тоифадаги ишларга масъул бўлган ички ишлар органларига бир қатор қийинчиликлар туғдиrhoмоқда. Яъни туманлараро маъмурий судларнинг фақат вилоят марказларида жойлашганлиги ва ҳудудларнинг марказдан узоқлиги, ички ишлар органлари ходимининг мазкур иш билан шуғулланиш давомида ўз хизмат жойи узоқ муддат бўли қолиши, шунингдек, шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномаларни қўриб чиқиш амалиётини фуқароларга қулайликлар яратиш нуктаи назаридан қайта қўриб чиқилишини тақозо этмоқда.

Шу боис қўнун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексларига тегишли қўшимча ва ўзгаришлар киритилишмоқда.

Жумладан, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсини реабилитация марказига жойлаштириш билан боғлиқ ишлар маъмурий суд ваколатидан жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судларига берилмоқда.

Қўнунинг қабул қилиниши натижада ички ишлар органларининг муайян яшаш жойи бўлмаган шахсларни ушлаб туриш ва реабилитация қилишга қаратилган фаолиятининг самарадорлиги ошишига эришилди ҳамда фуқароларининг ортика овозгарчиликларига чек қўйилади ва моддий ресурсларнинг тежаллишига олиб келади.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қўнун қўриб чиқилди.

Қўнун билан давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, жумладан, кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қўнунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек, гендерга доир комплекс ёндашувини ўрганиш ва баҳолаш фаолияти гендерга оид аудит сифатида белгиланмоқда.

Аудитни ўтказишнинг асосий вазифалари — давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар сонининг нисбатини ҳамда гендерга доир комплекс

ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш соҳасидаги қўнунчиликнинг ижро этилишини баҳолаш қилиб белгиланмоқда. Шу билан бирга, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Қўнунда гендерга оид аудит ўн йиллик режага асосан Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилиши, унинг натижаларига доир ахборот ва тақлифлар Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига (Комиссия) юборилиши акс этмоқда.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг расмий веб-сайтига жойналтирилади.

Шунингдек, Комиссияга хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида гендер тенгликка эришишга, оилани мустаҳкамлашга, оналик, оталик ҳамда болаликни муҳофаза қилишга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш, гендер тенгликни, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларнинг жорий ҳолатини ўрганиш, мавҳуд муаммоларни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш ва баргараф этиш чораларини қўриш, гендерга оид аудитни ўтказиш режасини тасдиқлаш ва гендерга оид аудитни ўтказиш услубиятини белгилаш бўйича ваколатлар берилмоқда.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, сенаторлар "Корпоратив бошқарув тизими янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қўнунни муҳокама қилди.

Муҳокама жараёнида кейинги йилларда мамлакатимизда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Хусусан, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий бошқарув усуллари, очкичлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини кенг жорий этиш, даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш бўйича самарали тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб берилмоқда.

Қўнун билан "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қўнунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилишмоқда. Яъни уларда қузатув кенгашининг мустақил аъзоларини киритиш талаби, мустақил аъзоликка номзодларни қўрсатиш тартиби, мустақил аъзоларга қўйиладиган талаблар ҳамда уларнинг реестрини юритиш ва уни ошкор этиб бориш билан боғлиқ нормалар ўз аксини топишмоқда.

Қўнун корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда қузатув кенгашининг ролини қучайтиришга қаратилган.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қўнуннинг қабул қилиниши жамият қузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар қўйишга, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайитиришга, жамиятларда замонавий менежмент ва корпоратив бошқарув усулларини жорий этишга, қузатув кенгаши таркибига профессионал мутахассисларни жалб этишга хизмат қилади.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига мақуларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатла-

рини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қўнун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, жиноят-ижроия амалиёти таҳлили ва жамоатчилик билан тўғридан-тўғри мулоқот натижалари мақуларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини қучайтириш, уларни сақлаш шарт-шароитларини янада яхшилаш ҳамда халқро стандартларга мувофиқлаштириш, шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида меҳнатга жалб этилган мақуларга ҳақ тўланадиган ишлаш даврини уларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш зарурлигини қўрсатмоқда.

Қоридигаларини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 28 январдаги "2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастури ихросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан мазкур қўнун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Қўнун билан "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қўнунга ва Жиноят-ижроия кодексига озодликдан маҳрум этишга ҳуқм қилинган шахсларнинг умумий меҳнат стажига ишланган ҳамда иқтисодий солиқ тўланган даврни қўшиб ҳисоблашнинг назарда тутувиши ўзгариш ва қўшимчалар киритилишмоқда.

Қўнун билан озодликдан маҳрум этишга ҳуқм қилинган шахсларнинг иш стажига ишланган ва иқтисодий солиқ тўланган давр қўшиб ҳисоблашнинг, шунингдек, мақуларга нисбатан қайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомала ёҳуд жазо турларининг қўлланилишга йўл қўйилмаслиги, қолaversа, мақуларнинг таржимон билан бир қаторда сурдотаржимоннинг хизматидан фойдаланиши ҳуқуқи ҳамда маҳбусларга нисбатан тинчлантириш қўйлагини қўллаш мумкин эмаслиги қатъий белгиланмоқда.

Шу билан бирга, озодликдан маҳрум этилган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун мўлжалланган умумий тураржойлар махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланган бўлиши кераклиги назарда тутилган. Яна бир муҳим жиҳат — мақуларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгилаш мезонлари, мақуларни рағбатлантириш масалалари, озодликдан маҳрум этишга ҳуқм қилинган шахслар ишдан бўш соатларда, тунги дам олиш учун ажратилган вақтдан ташқари, кинофильмлар ва телекўрсатувлар қўриш ҳуқуқи аниқ белгиланмоқда.

Қўнуннинг қабул қилиниши мақуларни муассасида ишлаган иш стажини умумий иш стажига қўшиб орқали уларга келгусида пенсия олиш имкониятини яратишга ва энг асосий, мақуларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгилувчи қатъий мезонларни белгилаш орқали уларнинг ҳуққ-аъторини баҳолашда коррупцон омиллар баргараф этилишига хизмат қилади.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенатнинг 35-ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қўнун ҳам қўриб чиқилди.

Мазкур қўнун билан "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Ўхшалик қоритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги ва "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қўнунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиди.

Қўнун билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари устидан амалга оширилган айрим назорат функциялари бекор қилинмоқда.

Хусусан, ҳудудда жисмоний тарбия соғломлаштириш ва спорт ишнотларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш, коммунал хизматлар тўлови ва мажбурий бадалларни тўлаш бўйича қарзларни ундириш тўғрисида даъ-

волар билан судга мурожаат қилиш, тиббий ёрдам сифатининг клиник-статистик стандартларига риоя этилишини назорат қилиш, йодланган туз ва йодланган озик-овқат мақсулотларининг сифати ҳамда хавфсизлиги, уларни сақлаш шароитлари устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда Давлат божхона қўмитасининг чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланилаётган транспорт воситаларининг эгалари томонидан мажбурий суғурта бўйича қўнунчиликда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш функцияси қўнун билан бекор қилинди.

Қўнунга қўра, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга текширишларни рўйхатга олиш китобининг ҳисоби электрон тарзда юритилишини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз ваколатлари доирасидаги соҳалар бўйича белгиланган тартибда тақдим этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг қўнунчилик талабларига мувофиқлиги рўйхати асосида шакллантириладиган мажбурий талабларнинг электрон реестрини юритиш каби ваколатлари берилди.

"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қўнунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, аудиторларни сертифицилашнинг тартибга солишда Ҳукумат ва Молия вазирлигининг назорат қилиш роли янада қисқартирилмоқда ҳамда мазкур соҳани бевосита касбий ҳамжамият томонидан ривожлантириш учун вазифалар аудиторларнинг республика жамоат биришмаларига ўтказилишмоқда.

Қўнунни ишлаб чиқишда илгор хорижий давлатларнинг иқобий тажрибаси таҳлил қилинган бўлиб, унинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий кафолатлашга, улар фаолиятига асосийс аралашувага чек қўйишга ҳамда мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга хизмат қилади.

Қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан бирга, Сенатнинг 35-ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосарини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариштириллар киритиш тўғрисидаги масалалар қўриб чиқилди.

Сенаторлар муҳокама натижасида Шухрат Тағаймуратович Полвановни судьялик лавозимига бўлишининг навбатдаги ўн йиллик муддатига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси лавозимига беш йил муддатга сайлади.

Шундан сўнг сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгариштириллар киритиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Сенатнинг қабул қилинган қарорига мувофиқ Гулнора Анваровна Мирзоева, Абдиқамал Абдиқаликович Абдиқаримов ва Аскар Танирбергенович Бекматов Олий суднинг судьяси лавозимига ўн йиллик муддатга сайланди.

Шунингдек, М.А.Назаров, Ж.И.Гульмоллаев, Б.А.Намозов, А.К.Тўхтасов Олий суднинг судьяси лавозимидан озод этилди.

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди.

Ялпи мажлисда жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг қуламли ислохотлар самарадорлигини оширишга, халқро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 18 та масала, шу жумладан, 10 та қўнун қўриб чиқилди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлиси ўз ишони ақунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

Мулоқот БЕЛАРУСЬ ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенатининг Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Р. Алимовнинг Беларусь Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мутор элчиси Л. Маринич билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни, шу жумладан, халқро ташкилотлар доирасидаги ришталарни янада чуқурлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот давомида Беларусь Республикаси элчиси шу йил 27-28 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган МДХ иштирокида давлатлари Парламентлараро Ассамблеяси (МДХ ПА) тадбирлари юқори савияда ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, томонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Н. Кочанованинг МДХ ПА мажлиси доирасида бўлиб ўтган икки томонлама учрашувида эришилган келишувларни амалга оширишнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар.

Учрашувда, шунингдек, томонлар 2023 йилда икки мамлакат парламентлари раҳбарлигида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Беларусь минтақалараро форумидан бирдек манфаатдор эканликларини билдиришди.

«Халқ сўзи».

БУГУНГИ КУНИМИЗ УЧУН ДОЛЗАРБ ҲИСОБЛАНГАН МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛДАН ЎТҚАЗИЛДИ

Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлисида бугунги кунимиз учун долзарб бўлган масалалар таҳлилдан ўтказилди. Шунга доир ислохотларнинг ҳозирги босқичдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сенаторлар шундай фикр билдирди.

А

ИНВЕСТИОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ВА ЖОЗИБАДОР ШАРОИТ ЯРАТИЛЯПТИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий иқтисодиёт драйвери бўлган хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий қарорлар қабул қилинди. Бу соҳада икки юздан ортиқ лицензия ва рухсатномалар бекор қилиниб, солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага қисқартирилди, айрим солиқ ставкалари 2 баробар камайтирилди.

Фикр

Миллий иқтисодиёт ривожини учун хорижий инвестициялар муҳимлиги сабабли, инвесторларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоялаш учун инвестициялар тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинди. Бу савб-ҳаракатлар глобал миқёсдаги беқарорлик ва инқирозлар шароитида миллий иқтисодиётимиз ўсишини таъминлашга ёрдам берди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида қулай инвестиция муҳитини яратиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида

сўнгги 5 йилда иқтисодиётимизга киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 10 баробар ошиб, қарийб 40 миллиард долларга етди.

Лекин ҳозирги шиддатли давр бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда. Чунки мамлакатимиз 10 йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажмини ҳозирги кўрсаткичдан икки баробар оширишни мақсад қилган. Бунга эришиш учун юртимизда барча имконият етарли, фақат бир оз ҳаракат бўлса kifoya. Президентимиз раислигида шу йил



16 ноябрь куни бўлиб ўтган давлатимиз раҳбари ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси келгусида мамлакатимизга янада кўпроқ сармоядорлар келиши жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Хорижий инвесторлар кенгаши давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 13 ноябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси илгор жа-

ҳон тажрибаси ва амалиётлариغا таянган ҳолда Ўзбекистон ҳукуматига мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар беришдан иборат.

Ушбу маслаҳат органининг биринчи сессиясида узок муддатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорлиқни янада кенгайтириш, мамлакатимизда устувор йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳо-

кам қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни янада яхшилаш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган нутқидаги муҳим ташаббуслари чет эл ижтимоий-сиёсий, эксперт доиралар вакиллари, хусусан, оммавий ахборот воситалари ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ушбу нутқда Ўзбекистоннинг яқин қўшнлари ва Европа давлатлари учун яратиб берилаётган имкониятлар қўламини айтиш мумкинки, хорижлик инвесторларни ҳайратда қолдиргани рост. Хусусан, Президентимизнинг “Биз хорижий инвесторларни ўзаро манфаатли янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва биргаликда амалга оширишга чақирамиз”, деган сўзлари кўпчилиكنинг दिलидаги гап бўлди.

Айниқса, инвесторлар ўзини эркин ҳис этиши, эртанги кунга катта ишонч билан қараб, барқарор ишлаши учун барча имконият яратиб берилиши, Президент ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашининг ташкил этилгани давлатимиз раҳбарининг оқилона ва кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий сиёсатини яна бир бор тасдиқлади. Зеро, бу биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиёти ва халқ фаровонлигини яна-

да юксалтиришни рағбатлантиришга қаратилган.

Илгор хорижий амалиёт ва тажрибани жорий этиш мақсадида Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузурида доимий фаолият юритадиган Инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитасига асос солиниши эса энг тўғри ва оқилона йўл бўлди, десак, айни ҳақиқат. Чунки давлатимиз раҳбарининг инвесторларга бераётган катта эътибори юртимизда сармоя киритиш истағида бўлган хорижий сармоядорларга ишонч ва куч бағишламоқда, уларни янги Ўзбекистонда янги корхоналар очишга ундамоқда.

Шу маънода айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилаётган кенг имконият ва қулайликлар, шубҳасиз, уларнинг юртимизга келиб, ўзларини эркин ҳис қилиши ва эртанги кунга ишонч билан қараб, ўз бизнесини йўлга қўйиши, янги иш ўринлари очиши учун замин яратади.

Ботирбек ТўРАЗОДА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Нуктаи назар

Халқ саломатлиги ва соғлом миллат генофонди ҳар бир давлатнинг муҳим бойлиғи саналади. Шу боис мамлакатимизда аҳоли соғлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратишмоқда. Айниқса, кейинги йилларда юртимизда соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, малакали тиббий кадрлар салоҳиятини ошириш, соҳага янги бошқарув усулларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар янгича мазмун касб этипти.

Президентимизнинг тиббиёт соҳасининг бирламчи тизимини ислох қилиш, тиббий хизматлар қўламини ва сифатини ошириш, фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, “электрон соғлиқни сақлаш” тизимини татбиқ этишга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари, бир неча бор ўтказилган видеоселектор йиғилишлари замирида ҳам халқ саломатлигига қаратилган эътибор ва ғамхўрликни англаш, ҳис этиш мумкин.

Жорий йилнинг 18 март куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев соғлиқни сақлаш тизими ҳодимлари билан очик мулоқот ўтказгани, бундай шаклдаги учрашув мамлакатимиз тарихида илк мартабада ташкил этилгани ҳам соҳага қаратилаётган эътиборнинг юксак намунаси бўлди. Давлатимиз раҳбари тиббиёт олимлари, шифокорлар, ҳамширалар, фармацевтлар, санитария-эпидемиология хизмати вакиллари билан келиб тушган жами 25 мингдан зиёд муножатларни умумлаштириш ва тизимлаштириш асосида ишлаб чиқилган 7 та муҳим йўналишни белгилаб берди. Ҳар бир йўналишга алоҳида тўхталиб, янги ташаббусларни илгари сурди. Булар — бирламчи тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, тез тиббий ёрдамни ривожлантириш, тиббиёт муассасаларининг шароитини яхшилаш, соҳа ҳодимларини моддий рағбатлантириш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, жамиятда соғлом турмуш маданиятини ошириш ҳамда касалликларнинг олдини олишчи.

Президентимиз бошчилигида ўтган олти йилда аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш борасида салмоқли ишлар қилинди. Худудларда республика иختисослаштирилган тиббиёт марказининг юздан ортиқ филиаллари ўз фаолиятини бошлади. Бу орқали илгари пойтахтда амалга оширилган 210 турдаги операция ва диагностика жараёнларини маҳаллий шифохоналарда ўтказиш имконияти яратилди. Ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар тўғрйли 130 турдаги жарроҳлик амалиётлари вилоят шифохоналарида, 60 тури эса туманларда биринчи марта йўлга қўйилди. Сўнгги беш йилда 200 турдаги янги жарроҳлик амалиёти жорий этилиб, буйрак ва жигар трансплантацияси республикамиз шифохоналарида ҳам ўтказилмоқда.

Тиббиёт тизимидаги энг катта ўзгаришлардан яна бири — соҳага хусусий секторнинг кенг иштирокига йўл очилгандир. Масалан, аввал бундай хизматлар фақат стоматология бўйича кўрсатилган бўлса, ҳозир хусусий клиникалар деярли барча йўналишларда фаолият юритмоқда ва уларнинг сони 8 мингга етди.

Жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб тиббиёт ташкилотлари томонидан чет элдан келтирилмайдиган тиббий жихозлар, асбоб-ускуна ва материаллар 2025 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи ва божхона божидан озод қилинадиган бўлди. Шунингдек, 2022 — 2025 йилларда тез тиббий ёрдам тизимида эскирган автомобиллар тўлиқ замонавий автомобилларга алмаштирилади ҳамда тез тиббий ёрдам автопарки тўлиқ янгиланади.

Бугун саломатлик посбонлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, олис ва чекка худудларда фаолият олиб бораётган шифокорларнинг ойлик иш ҳақиға 2 миллион сўмдан қўшимча устама тўланмоқда, шифокорларга ипотека асосида уй-жой сотиб олиш харажатиинг 50 фо-



изгача қисми маҳаллий бюджетлардан қўллаб-қувватлаш, олис ва чекка худудда узлуксиз уч йил ишлаган шифокор клиник ординатурага имтиҳонсиз қабул қилиниши белгиланган.

Чиндан ҳам, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиғи, шифокорлар эса ана шу бойлиқнинг фидойи посбонларидир. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, кадр-қимматини улуглашда соғлиқни сақлаш тизими устувор аҳамият касб этади. Кейинги беш йилда соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан, 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганги фикримизнинг исботидир.

Мамлакатда тиббиётнинг уч босқичли миллий модели — бирламчи тиббий-санитария, шошилинч тез

лан бепул таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича самарали чоралар амалга оширилди.

Яна бир жиҳатга тўхталмоқ жоиз. Иختисослаштирилган марказларда ҳаққини инқилобий ўзгаришлар оўй берди. Мамлакатимизда юрак нуқсон билан туғилган болаларда йилгига уч мингтагача операция ўтказиш эҳтиёжи бор эди. Лекин шу пайтгача академик В. Вохидов номидagi Республика иختисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар кардиологияси бўлимида бир йилда, бор-йўғи, икки ўз нафар бемор боланинг юрагини операция қилиш имкони бўлган. Бугунги кунга келиб, бир йилда 2800 бола операция қилинган. Чунки етарли тиббий имконият ва мутахассисларга эга

врач ва ҳамширалар Жанубий Кореяда малака ошириб келди.

Эътиборли жиҳати, жарроҳлик амалиёти ускуналарига махсус камера ўрнатилган бўлиб, бошқа шифохоналар мутахассислари ва тиббиёт олий таълим муассасалари ўқитувчилари, талабалари жарроҳлик амалиётини онлайн кўриб туриши мумкин. Замонавий технологиялар орқали масофавий тиббий кўриқлар ҳамда консилумлар ташкил этилади, даволашнинг таъсирчан усуллари муҳокама қилинади. Ана шундай жараёнларнинг бирига ўзим ҳам гувоҳ бўлганман. Ҳар қандай ота-она бетоб боласини малакали, тажрибали мутахассисга кўрсатмаси келади. Профессорлар томонидан бетоб болалар кўриқдан ўтказилган пайтда ота-онанинг қалбидаги қониқиш ҳиссини кўрсангиз эди! Бу қувонч, мамнулуқ ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ўйлайманки, бу ютуқларимиз халқимизга сифатли, самарали тиббий хизмат тизими яратилаётганидан далолат беради.

Шу ўринда тиббиётда амалга оширилаётган янги тизим — Сирдарё тажрибасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталас. Тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш масалалари бугун устуворлик касб этипти. Шу боис кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиғи ва оммабонлиғи ошмоқда, барча бўйиндаги тиббиёт тармоқларини рақамлаштириш ҳамда ўзаро интеграция қилиш ишлари олиб борилмоқда, соҳага босқичма-босқич тиббий сугурта тизими жорий этилмоқда. Соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми кескин оширилди.

Президент қарорига кўра, давлат тиббий сугуртаси механизмлари дастлаб Сирдарё вилоятида синовдан ўтказилиши кўзланган бўлиб, натижасига кўра, республика бўйича жорий қилиш режалаштирилган.

Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ва Сирдарё вилоятидаги тиббиёт муассасалари ўртасида шартномалар тузилиб, кафолатланган пакетта киритилган тиббий хизматлар стратегик харида йўлга қўйилган ва янги молиялаштириш тизими жорий этилган. Шартнома асосида, ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, ўтган йилнинг иккинчи ярмида вилоятдаги тиббиёт муассасаларига қарийб 10 млрд. сўм тўлаб берилган. Шунингдек, кафолатланган пакет доирасида кўрсатиладиган бепул тиббий хизматлар қўламини кенгайтириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш, беморлар учун иختисослаштирилган тиббий ёрдамдан фой-

даланиш қулайлигини янада ошириш мақсадида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилиниб, электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилди. Бунда йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилади ва бу фуқароларга давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида давлат маблағлари ҳисобидан тиббий хизматлар олиш ҳуқуқини беради.

Сирдарё вилоятида тиббиётни ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини жорий этиш, аҳолига кафолатланган пакет доирасида тиббий хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, янги тизим бўйича ҳодимларни ўқитиш йўлга қўйилди, аҳоли орасида тарғибот ишлари олиб борилди. Вилоятда патронаж кўриқлари мақбуллаштирилиб, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилинди. Янги штат меъёрларига мувофиқ, поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларида икки минг нафар бириктирилган аҳоли сонига 3 та штат биригидида “тиббиёт бригада ҳамширалари” лавозими тасдиқланди. Оилавий шифокорга ёрдам берадиган ўрта тиббиёт ҳодимларидан иборат “тиббиёт бригадалари” ташкил қилинди. Бундан ташқари, жойларда оилавий шифокор томонидан тор соҳа мутахассислари консултацияси ва стационар даволаниш учун йўланмалар бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Давлат тиббий сугурта тизими соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлар доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини улушини, аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакиллари сифатида тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасини ошириш, тиббий хизматлар бозорида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда аҳолининг тиббий ёрдам учун тўғридан-тўғри тўловлари даражасини камайтиришга хизмат қилади. Бу тизимни юртимизда жорий этиш натижасида давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари ўртасида рақобат муҳити юзага келади. Қолаверса, у беморни битта тиббий муассасасига боғлаб қўймайди. Агар фуқаронинг қўлида тиббий сугурта полиси бўлса, мамлакатдаги ўзи хоҳлаган клиникада даволаниши, ўзи истagan шифокордан тиббий маслаҳат олиши мумкин. Хасталик бўйича қайси шифо масканига мурожаат қилиш, врач қабулига ёзилиш, мутахассис ёзиб берган дориларини топиш каби масалаларга ҳам осон ечим топилади. Асосийси, фуқароларда сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш учун зарур пул жамғармалари пайдо бўлади. Мақсад эса битта — у ҳам бўлса, соҳада самарадорликка ва яхши натижаларга эришиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳам устувор вазифалардан. Ҳаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ҳулосасига кўра, инсоннинг саломатлиғи турмуш даражаси, оилавий шароити, моддий аҳволи каби қатор омилларга алоқадор. Аммо энг кўп, анимқор, 85 фоизи соғлом турмуш тарзига рия қилинишига боғлиқ экан. Соғлом турмуш тарзи тарғиботини фақат тиббиётнинг зиммасига ташлаб бўлмайди. Ҳар бир оилавий поликлиника, оилавий шифокор ва унинг патронаж ҳамширалари билан бирга маҳалла фаоллари, спорт инструкторлари, ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва ички ишлар профилактика инспекторлари ишларида спорт мусобақаларини алоҳида тартиб асослаштирилган тиббий ёрдамдан фой-

Зеро, пандемиянинг оқибатларини ҳар биримиз кўриб, гувоҳ бўлдим. Камҳаракатлилик турли касалликлар учун энг асосий омиллардан бири эканини ҳаётининг ўзи кўрсатди. Демак, жисмоний фаоллик, доимий тиббий кўриқдан ўтиб туриш соғлиғимиз гарови эканини унутмайлик.

Ботир ДАМИНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори,
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ўқув-семинар

КАДРЛАР СОҲАСИГА МАСЪУЛ РАҲБАРЛАР БИЛИМ ВА ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Самарқандда “Инсон ресурсларини бошқаришда долзарб вазифалар” мавзуйда республика ўқув семинари ташкил этилди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиғи, Давлат бошқаруви академияси, Самарқанд вилояти ҳокимлиғи ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорй Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари ташкилий-кадрлар турмушари раҳбарлари, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиғи марказий ва ҳудудий филиаллари масъул ҳодимлари қатнашди.



Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов, Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори А. Бекмуродов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиғи директорининг биринчи ўринбосари О. Ҳасанов ва бошқарув мамлакатимизда кадрлар соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсати, бошқарув органларида профессионал, адолатли ва юқори натижадорликка хизмат қиладиган тизимни жорий қилиш учун маъмурий ислохотларнинг долзарблигини, давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги янгиланишлар, шунингдек, инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш йўналишидаги ислохотлар ҳақида сўз юритди. Яқинда кучга кирган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, замонавий раҳбар қиёфаси ва давлат хизматчиларига қўйилаётган талаблар тўғрисида ўз фикрларини билдирди.



Семинарда давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари, миллий кадрлар захирасини шакллантириш ва юритиш, давлат фуқаролик хизматчиларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларига баъишланган маърузалар тингланди. Иштирокчиларнинг шахсий ривожланишларини таъминлаш мақсадида малакали мутахассислар томонидан “Селф-менеджмент: шахсий самарадорлиқни ошириш” ҳамда “Лидерлик ва самарали жамоани шакллантириш” мавзуларида машғулотлар ўтказилди.

Муҳокама этилган мавзулар бўйича Самарқанд вилояти ҳокимлиғи томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Конструктив руҳда ўтган ўқув-семинар давомида иштирокчилар, талабалар ҳамда вилоятнинг фаол, иқтидорли ёшлари билан давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирларда “давлат бошқаруви”, “халқлик давлат хизмати”, “давлат хизмати-си”, “янги авлод захира кадрлари” тушунарли моҳиятига ҳаётини мисоллар ёрдамида очиб берилди. Бугунги кунда давлат хизматчисидан Ватанга садоқатли, ҳалол ва адолатли бўлиш, фидойилик билан халққа хизмат қилиш, ўзини мунтазам равишда ривожлантириб бориш талаб этилиши алоҳида таъкидланди.

Ўқув-семинар доирасида иштирокчилар, шунингдек, жойларда бўлиб, сектор раҳбарлари ва маҳалла фаолларининг ҳамкорликдаги фаолияти билан ақиндан танишди. Бундан ташқари, Самарқанддаги бунёдкорлик ишлари ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириш имконига ҳам эга бўлдилар.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 890 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; *Эълоилар* 71-232-11-15.

Тажрибанинг келган қўйғамалар тақрир қилинамайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун буюбини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатидан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. Ўза якуни — 01.45

Тошпирилди — 03.10

1 2 3 4 5 6